

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021.Т.06.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

МУМИНОВ РАШИД ОЛИМОВИЧ

**КАРЬЕР БУРҒИЛАШ ДАСТГОҲИ АЙЛАНТИРУВЧИ-УЗАТУВЧИ
МЕХАНИЗМИНИНГ ИШЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ ВА
ИШОНЧЛИЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.16 – Кончилик машиналари

**техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2022

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Муминов Рашид Олимович

Карьер бурғилаш дастгоҳи айлантирувчи-узатувчи механизмнинг ишлаш қобилиятини ва ишончлилигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш.....3

Муминов Рашид Олимович

Разработка методов повышения надёжности и работоспособности вращательно-подающего механизма карьерного бурового станка.....29

Muminov Rashid Olimovich

Development of a methods for increasing the reliability and performance of the rotary-feed mechanism of a quarry drilling rig55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....59

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021.Т.06.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

МУМИНОВ РАШИД ОЛИМОВИЧ

**КАРЬЕР БУРҒИЛАШ ДАСТГОҲИ АЙЛАНТИРУВЧИ-УЗАТУВЧИ
МЕХАНИЗМИНИНГ ИШЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ ВА
ИШОНЧЛИЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.16 – Кончилик машиналари

**техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоний – 2022

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.DSc/T415 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Эгамбердиев Илхом Пулатович
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Джураев Рустам Умарханович
техника фанлари доктори, доцент

Хужаев Исмагулла Кушаевич
техника фанлари доктори, профессор

Тоиров Олимжон Зувурович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Миллий тадқиқот технологик университети
«МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали**


Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги DSc.17/04.06.2021.T.06.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил 11 март соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй. Навоий давлат кончилик институтининг мажлислар зали. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz).

Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (86 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.


Диссертация автореферати 2022 йил 25 феврал куни тарқатилди.

(2022 йил 25 февралдаги 41 рақамли реестр баённомаси)




И.Т. Мислибаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор


Ш.Ш. Заïров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор


Н.А. Абдуазизов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда мураккаб кон-геологик шароитларда очик усулда конлардан фойдали қазилмаларни қазиб олишда уларнинг тўлиқ қазиб олинишини таъминлаш, корхонанинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш ва кончилик ишларини хавфсиз олиб борилишини таъминлаш учун бурғилаш ускуналарининг самарали ишлаши ва ишончилигини таъминлаш лозим. Бурғилаш ускуналарининг самарадорлигини ва чидамлилигини ошириш муаммолари ускуналарнинг носозликлари билан боғлиқ йўқотишларни камайтириш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш харажатларини камайтириш, шунингдек бурғилаш ускунасининг конструкцияларини такомиллаштириш билан боғлиқ. Кўрсатилган вазифалар бурғилаш ускуналарида динамик юкламаларни пасайишининг йўллари билан бири, юқори ҳимояланиш ва тебранишдан ҳимояловчи, оддий ишланганлик, ишончилик ва узок чидамlilik хусусиятларига эга бўлган айлантурувчи-узатувчи механизмни принципал янги конструкциясини яратиш ҳисобланади. Натижада кўплаб тадқиқотларга қарамай, карьер бурғилаш ускунасининг унумдорлигини ва ишончилигини ошириш, шунингдек айлантурувчи-узатувчи механизмни конструкциясини такомиллаштириш муаммоси охиригача ечилмаган ва уни ҳозирда ечиш алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёда бурғилаш ускуналарини ишончилигини ошириш айлантурувчи-узатувчи механизмни конструкциясини такомиллаштириш борасида сезиларли ютуқларга эришилди. Бироқ, башоратли баҳолаш, техник ҳолат ва таъмирлаш, шунингдек, карьер бурғилаш ускунасининг ижро этувчи механизмни такомиллаштиришни яхшилашга доир қатор асосий масалалар бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада карьер бурғилаш ускунаси айлантурувчи-узатувчи механизмнинг ишлаш қобилиятини ва ишончилигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда карьер бурғилаш ускунасининг чидамлилигини, ишончилигини ва унумдорлигини ошириш, айлантурувчи-узатувчи механизмни ишлаш қобилиятини ишлаб чиқиш бўйича илғор илмий чора тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида «иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун инвестицияларни жалб қилиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш ва кон-металлургия саноатидаги йирик корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш...»¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, карьер бурғилаш ускунаси айлантурувчи-узатувчи механизмнинг ишлаш қобилиятини ва ишончилигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш катта илмий ва амалий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарори

аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ва 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «Ишлаб чиқаришни структуравий қайта тузиш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш бўйича 2015–2019 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури» тўғрисидаги Фармонлари ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Бурғилаш ускунасининг чидамлилигини, ишончлилигини ва унумдорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, шу жумладан: «Continental Conveyor & Equipment Company», «Dos Santos International» (АҚШ); Урал давлат кончилик институти (Россия), Technische Universität Bergakademie Freiberg (Германия), Der Berguniversität Leoben (Австрия), Mining University in Xiuzhou (Китай), L'école supérieure De montagnes de Paris (Франция), Institute of materials, minerals and mining (Великобритания), «ВНИПИпромтехнология» АЖ, «Гипроруда» АЖ, «МИСиС» Миллий тадқиқот технологик университети (Россия), «Укрниипроект», «Новокраматорск машинасозлик заводи» ЁАЖ (Украина), «O'zGEORANGMETLITI» давлат унитар корхонаси ва Навоий давлат кончилик институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Дунёда карьер бурғилаш ускунаси айлантирувчи-узатувчи механизмнинг ишлаш қобилиятини ва ишончлилигини ошириш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: бурғилаш дастгоҳи гидромеханик айлантирувчи-узатувчи механизмнинг ишлаш қобилияти оширилган ва конструкциялари такомиллаштирилган (Continental Conveyor & Equipment Company, Dos Santos International, Technische Universität Bergakademie Freiberg, L'école supérieure De montagnes de Paris); карьер бурғилаш ускунаси узатиш тизимлари гидравлик юритмаларини динамик ва статик характеристикалари тадқиқ қилинган (КузДТУ, МТТУ «МИСиС», Урал давлат кончилик

² Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.atlasrockbit.com, <http://www.varelintl.com>, www.dissercat.com, <http://vbm.ru>, <https://www.amazon.com>, <http://www.mirknigi.ru> ва бошқа манбалар асосида бажарилган.

университети, Der Berguniversität Leoben, Institute of materials, minerals and mining, Mining University in Xiuzhou); бурғилаш ускунасини унумдорлигини ва эксплуатацион ишончлилигини оширишга имкон берадиган айлантйрувчи-узатувчи механизмининг ишлаш қобилияти ишлаб чиқилган («O'zGEORANGMETLITI» МЧЖ ва Навоий давлат кончилик институти).

Дунёда карьер бурғилаш ускунаси айлантйрувчи-узатувчи механизмининг ишлаш қобилиятини ва ишончлилигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: бурғилаш ускунаси динамик ва кинематик параметрларининг унинг техник унумдорлигига таъсир қилувчи омилларни тадқиқ қилиш; бурғилаш ускунаси айлантйрувчи-узатувчи механизмини динамик тизимининг демфирловчи, бикрлик ва инерциал параметрларини аниқлаш; тебраниш диагностикаси усулларини ишлаб чиқиш (ўрта квадратик қиймат, спектрал характеристикалар); қолдиқ ресурсни башорат қилиш усулини ишлаб чиқиш, харажатларни камайтириш ва бурғилаш ускунаси иқтисодий самарадорлигини ошириш; карьер бурғилаш ускунаси айлантйрувчи-узатувчи механизмини ишончлилигини оширишнинг усулларини ишлаб чиқиш.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Олимлар Подэрни Р.Ю., Кантович Л.И., Дмитриев В.Н, Кутузов Б.Н., Наринский И.Э., Владиславлев В.С., Герик Б.Л., Солод Г.И., Солод В.И., Бреннер В.А., Галкин В.И., Гетопанов В.Н., Ефимов В.Н., Картавий А.Н., Красников Ю.Д., Рахутин М.Г., Кванигидзе В.С., Грабский А.А., Зайченко С.Г., Улицкий Е.Н., Хромой М.Р., Прасолов С.К., Пятова И.Ю., Махмудов А.М., Тошов Ж.Б., Атакулов Л.Н., Абдуазизов Н.А., Джураев Р.У., Эгамбердиев И.П., Antoniак J., Dhamodharan K., Dos Santos J.A., Hari Prasad K., Jagadeeswari M., Jennings A., Kamesh Gautham B., Klein J., Keerthika R., Langebrake F., Thompson M. ва бошқалар шарошкали бурғилаш ускуналари бурғилаш снаряди тебранишларини пасайтириш усулларини тадқиқоти ва илм-фан ва амалиёт ривожига катта ҳисса қўшишган, улар томонидан бурғилаш ускунаси бурғилаш ставини тебранишларини пасайтириш ҳисобига бурғилаш тезлигини оширишнинг асосий муаммолари тўлиқ ўрганилмаган.

Шу муносабат билан кончилик саноати учун муҳим бўлган карьер бурғилаш дастгоҳи айлантйрувчи-узатувчи механизмининг ишлаш қобилиятини ва ишончлилигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш зарурати юзага келади ва бу йўналишда кейинги тадқиқотларни давом эттириш лозим.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг АЗ-023 – «Механизм тугунларининг техник ҳолатини баҳолаш услублари ва воситаларини яратиш асосида кон ускуналарини таъмирлаш ресурсларини тежаш технологияларини ишлаб чиқиш»; Ф-2-001 – «Моделларни бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва бурғулаш машиналарининг динамик параметрларини ўрганиш»; БА-АЗ-022 – «Карьер гидравлик экскаваторларини гидротизим қисмлари химоясини

такомиллаштириш ва конструктив параметрларини ишлаб чиқиш» ва БВ-Атех-2018-516 – «Машина ва ускуналарни моделлаштириш асосида путур етказмасдан текшириш усулини ва математик моделини ишлаб чиқиш ва татқиқ қилиш» мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади такомиллаштирилган айлантирувчи-узатувчи механизми трансмиссиясини яратиш орқали бурғилаш дастгоҳининг унумдорлиги, чидамлилиги ва ишончлилигини ошириш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хорижий карьер бурғилаш дастгоҳлари айлантирувчи-узатувчи механизмининг куч ускуналари ва узатиш тизимининг конструкциялари ҳолатини, адабиётларни, патент ва фонд материалларини таҳлил қилиш ва назарий жиҳатдан умумлаштириш;

бурғилаш дастгоҳи айлантирувчи-узатувчи механизмининг ишлаш қобилиятига таъсир қилувчи омилларини назарий тадқиқ қилиш;

бурғилаш дастгоҳи куч гидроцилиндрлари билан, узатиш тизимининг, конструктив, рационал ва динамик параметрларини ўрганиш;

карьер бурғилаш дастгоҳи такомиллаштирилган электрогидромеханик айлантирувчи-узатувчи механизмининг конструкцияси ишончлилигини ошириш ва ишлаш принципини ишлаб чиқиш;

бурғилаш дастгоҳи такомиллаштирилган айлантирувчи-узатувчи механизмининг экспериментал тадқиқотлари синовларининг дастури ва усулини ишлаб чиқиш;

карьер бурғилаш дастгоҳи айлантирувчи-узатувчи механизмининг эксплуатацияси ва хизмат кўрсатиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш;

бурғилаш дастгоҳи гидромеханик айлантирувчи-узатувчи механизмининг ишлаш қобилиятини ошириш, ишлаш принципини ва конструкциясини такомиллаштириш;

бурғилаш дастгоҳи айлантирувчи-узатувчи механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва гидромеханик айлантирувчи-узатувчи механизмининг асосий параметрларини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида чуқур карьерларда скважиналарни бурғилаш учун кенг қўлланиладиган бурғилаш дастгоҳлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бурғилаш дастгоҳи айлантирувчи-узатувчи механизмининг ишончлилиги ва ишлаш қобилиятини ошириш усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда лаборатория, саноат ва экспериментал тадқиқотлар, мураккаб тадқиқот усуллари, «SetupGraph» ва «Mathcad» дастурий комплекси, математик ва рақамли моделларни таҳлил қилиш, назарий умумлаштириш, ўхшашлик, математик статистика ва корреляцион таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

бурғилаш дастгоҳи айлантирувчи-узатувчи механизмининг конструктив, кинематик ва динамик ҳамда технологик параметрларини тадқиқ қилиш ва

аниқлаш имконини берувчи долота ботирилиш тезлигининг унинг ресурс ва ишончилигини аниқловчи кўп параметрли математик модели ишлаб чиқилган;

«тоғ жинси – ўқдаги босим кучи – бурғилаш тезлиги – ишончилик» иерархик тизимни системали тадқиқ қилиш, бурғилаш инструментида унинг босим кучи билан ботирилиш ва айланиш тезлиги ва уларнинг ишончилигига таъсирини ўзаро оптимал мутаносиблигини ўрнатиш имконини берувчи айлантирувчи-узатувчи механизмни гидравлик тизимини бошқариш услуби ишлаб чиқилган;

тоғ жинсини қаттиқлигини ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, бурғилаш режимида бурғилаш дастгоҳи гидравлик узатиш тизимининг ўқ бўйича қўйилган кучни ва босимни оптимал режимини танлаш имконини берувчи бошқаришнинг мехатрон схемаси ишлаб чиқилган;

бурғилаш дастгоҳи айлантирувчи-узатувчи механизмнинг такомиллаштирилган конструкцияси, яъни пневмогидравлик аккумуляторни дастгоҳга қўллаш натижасида, бурғилаш дастгоҳи ишчи жиҳозлари ва метоллоконструкцияларидаги динамик юкламаларни пасайтириш, шунингдек, бурғилаш ускунасининг унумдорлигини ва ишончилигини ошириш усуллари ишлаб чиқилган;

бурғилаш дастгоҳи айлантирувчи-узатувчи механизмнинг такомиллаштирилган конструкцияси ишлаб чиқилган ҳамда ускунанинг ишчи жиҳозлари ва метоллоконструкцияларидаги динамик юкламаларнинг пасайишини унинг ўқидаги барқарор босим кучига боғлиқлиги аниқланган;

титрашларни пасайтириш, ишончиликни ошириш, бурғилаш режимларини интенсивлаштириш ҳамда қаттиқ тоғ жинсларини бурғилашда дастгоҳнинг бурғилаш тезлигини ва ишлаш қобилиятини ошириш имконини берувчи электрогидромеханик айлантирувчи-узатувчи механизмни такомиллаштирилган конструкцияни комплекс синаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бурғилаш дастгоҳи айлантирувчи-узатувчи механизмни асосий параметрларини аниқлашнинг усуллари ишлаб чиқилган;

бурғилаш дастгоҳи айлантирувчи-узатувчи механизмни такомиллаштириш ва унинг ишончилигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

бурғилаш дастгоҳи мехатрон бошқарувли гидравлик узатиш тизими билан жиҳозлаш ва иш кўрсаткичларини аниқлаш бўйича методикалар ишлаб чиқилган;

шарошкали бурғилаш дастгоҳи айлантирувчи-узатувчи механизмнинг принципиал янги такомиллаштирилган конструкцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги кўп миқдордаги лаборатория ва ишлаб чиқариш тажрибалари, математик ва чекланган элементли рақамли моделларни қуришда қилинган тахминларнинг тўғрилиги билан тасдиқланган; замонавий «SetupGraph» ва «Mathcad» дастурий таъминотдан фойдаланилиб, механика ва эгилувчанлик назарияси усулларида фойдаланилган; экспериментал ва назарий

маълумотларнинг мувофиқлиги; ишлаб чиқаришдаги тажриба-синов тадқиқотлари натижалари; бурғилаш ускунаси узатиш механизмининг инновацион конструкциясини саноат тажрибалари натижалари; VIBXPERT II прибори билан ускуна рамасининг вертикал ва горизонтал текисликларидаги тебранишлар тезланишлари амплитудасини самарали пасайишни таъминлаш натижалари, шунингдек иқтисодий ҳисоб-китобларда олинган СБШ-250МНА-32 станогининг унумдорлигини оширилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бурғилаш ускунаси айлантирувчи-узатувчи механизмининг унинг ресурс ва ишончлилигини аниқловчи конструктив, кинематик, динамик ва технологик параметрларини аниқлаш имконини берувчи долотани тоғ жинсларига кириб бориш солиштирма тезлигини кўп параметрли математик модели ишлаб чиқилганидан иборат. Моделлаштириш натижасида бурғилаш ускунасини бурғилаш жараёнида долотани ковжойга кириб боришда тебранишларни пасайтириш имкониятини берувчи айлантирувчи-узатувчи механизми ишининг оптимал кўрсаткичлари олинган, бу эса бурғилаш ускуналарининг ресурс ва ишончлилигини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бурғилаш дастгоҳи айлантирувчи-узатувчи механизмининг асосий параметрларини аниқлаш услубини ва бурғилаш ускунасининг айлантирувчи-узатувчи механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан ва мураккаб шароитларда ишлаб беришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Карьер бурғилаш ускунаси айлантирувчи-узатувчи механизмининг ишлаш қобилиятини ва ишончлилигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бурғилаш ускунаси узатиш механизмининг таклиф қилинган инновацион конструкцияси «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Жанубий кон бошқармаси «Зармитан» рудниги «Ўрталик» карьерида амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2021 йил 11 августдаги 02-06-07/8061-сон маълумотномаси). Натижада, карьер бурғилаш ускунасини ишлаш қобилияти 14-17% га ва бурғилаш унумдорлигини 18% га ошириш, шунингдек ускунанинг вертикал ва горизонтал тебранишларини 20% га пасайтиришни имконини берган;

бурғилаш ускунасини тоғ жинсини қаттиқлигини ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, ўқ бўйича қўйилган кучни оптимал режимини танлаш имконини берувчи, бурғилаш ставини мехатрон бошқарувли гидравлик узатиш тизими билан жиҳозлаш схемаси «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Жанубий кон бошқармаси «Зармитан» рудниги «Ўрталик» карьерида амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2021 йил 11 августдаги 02-06-07/8061-сон маълумотномаси). Натижада, бурғилаш режимини интенсивлаштириш имконини берган ҳамда қаттиқ тоғ жинсларини бурғилашда бурғилаш тезлигини 12-15% гача ошириш имконини берган, шунингдек бурғилаш ускунаси металлоконструкциялари

ва ишчи жиҳозларининг динамик юкламаларини 12-14% гача пасайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 1 та республика ва 10 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та, жумладан, Республика нашрларида 6 та ва хорижий журналларда 3 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **«Хорижий карьер бурғилаш дастгоҳлари айланттирувчи-узатувчи механизмнинг куч ускуналари ва узатиш тизими конструкциялари ҳолатини, адабиётларни, патент ва фонд материалларини таҳлил қилиш ва назарий жиҳатдан умумлаштириш»** деб номланган биринчи бобида хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг замонавий карьер бурғилаш ускуналарини айланттирувчи-узатувчи механизми, куч ускуналари конструкциялари ҳолати, гидроцилиндрли узатиш тизимига эга бўлган бурғилаш ускуналари, шарошкали бурғилаш ускуналари механик тизимларини тебраниш ва силкинишларини экспериментал ва аналитик тадқиқотлари таҳлили кўриб чиқилган.

Галкин В.И., Гетопанов В.Н., Герике Б.Л., Бреннер В.А., Ефимов В.Н., Кванигидзе В.С., Морозов В.И., Солод Г.И., Солод В.И., Радкевич Я.М., Рахутин М.Г., Рачек В.М., Русихин В.И., Пастоев И.Л ва бошқа бир қанча олимлар кончилик машиналарининг ишончлилиги билан шуғулланишганлар.

Ўзбекистон Республикаси карьерларида бугунги кунга келиб, карьер бурғилаш дастгоҳлари ёрдамида фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича талаб ошиқ бормоқда. Очиқ усулда қазиб олишда шарошкали бурғилаш дастгоҳлари кенг қўламда қўлланилади.

Навоий кон-металлургия комбинати, Жанубий, Марказий ва Шимолий кон бошқармаларида жойлашган «Ўрталиқ», «Мурунтау», «Даугызтау»

чуқур карьерларида скважиналарни бурғилаш учун кенг қўлланиладиган СБШ-250МНА-32 (2014 й.) бурғилаш дастгоҳи айлантирувчи-узатувчи механизмнинг лойиҳаси кўриб чиқилган

Диссертация ишининг «**Хар хил мустаҳкамликдаги тоғ жинсларини бурғилашда карьер бурғилаш дастгоҳларининг айланиш ва узатиш тизимларидаги қаршилик кучларининг илмий тадқиқотлари**» деб номланган иккинчи бобида тоғ жинсларини шарошкали долоталар билан бурғилаш жараёнларини, поғона бурғилаш вақтида бурғилаш ускуналарини асосий механизмларини юклама рационал параметрларининг, карьер бурғилаш ускуналари гидроцилиндрли узатиш тизимининг куч ва конструктив параметрлари, бурғилаш ускуналари динамик ва кинематик параметрларининг унинг техник унумдорлигига таъсир қилувчи омилларни тадқиқоти ва таҳлилларини аниқлашга бағишланган.

Бурғилаш дастгоҳининг динамик, кинематик, ишончлилик ва куч параметрларига боғлиқ бўлган бурғилаш тезлиги ифодаси қуйидагича топилади:

$$V_{б.м} = \frac{4}{\pi D^2} \left[\frac{\sigma k_{\partial y} (1 + 7,36 \cdot 10^{-2} (tg 0,5 \alpha_1 + \mu_1) K_{\dot{y}m} k_1 K_c (0,22 k_{\partial y})^m P_{ук.б.к}^{m-1} D^{m+2} k_{\text{дайл}})}{+ 0,5 \rho g k_{май} \frac{H+h_n}{\eta_y \eta_k \cos \alpha} K_{ск} K_g} \right]^{-1} \frac{м/с}{Вт}, \quad (1)$$

бу ерда D – долота диаметри, м; σ – бурғиланадиган тоғ жинсларининг мустаҳкамлик чегараси, Н/м²; $k_{\text{дайл}}$, $k_{\partial y}$ – мос равишда, бурғилаш ускунаси узатишлар ва айланишлар тизимининг динамиклик коэффицентлари; α_1 – шарошка тишларининг ўткирлашувчанлик бурчаги, град; μ_1 – тоғ жинсига шарошка металлларининг ишқаланиш коэффиценти ($\mu_1 = 0,25 \div 1,0$); $K_{\dot{y}m}$ – шарошка тишларининг ўтмаслашувчанлик коэффиценти ($K_{\dot{y}m} = 1 \div 1,3$ – анчагина юқори қаттиқлик ва абразивликка эга тоғ жинслари учун катта қийматга эга бўлади); k_1 – бурғиланадиган тоғ жинсининг мустаҳкамлилиги – σ га боғлиқ бўлган коэффицент; K_c – вертикалдан скважина ўқининг қиялик бурчаги – α да момент ортишини ҳисобга оладиган коэффицент; m – даража кўрсаткичи, скважинанинг тозалик сифатига боғлиқ (жуда яхши тозаланганда – $m = 1,25$; қониқарлида – $m = 1,5$; ёмон тозаланганда – $m = 1,75$); $P_{ук.б.к}$ – ўк бўйича қўйилган куч, кН; ρ – бурғиланувчи тоғ жинсининг зичлиги, кг/м³; $k_{май}$ – бурғиланадиган тоғ жинсларининг майдаланиш коэффиценти, $k_{май} = 1,45 \div 1,65$; $H + h_n$ – скважина узунлиги, м; η_y , η_k – мос равишда компрессор ва узатишини ФИКи, $\eta_y = 0,92 \div 0,95$, $\eta_k = 0,6 \div 0,7$; α – скважинанинг вертикалга нисбатан қиялик бурчаги, рад; $K_{ск}$ – тишлар ўртасида тоғ жинсларнинг тўлиқ бўлинмаслиги ҳисобига бурғилаш тезлиги камайишини ҳисобга олингандаги коэффиценти ($K_{ск} = 0,2 \div 0,5$ – анча юмшоқ тоғ жинслари учун каттароқ катталиқ); K_g – гидромоторнинг тайёргарлик коэффиценти ($K_g = 0,8 \div 1,2$).


Ифода (1) нинг боғлиқлик графиги – скважиналарни бурғилашда тоғ жинсига долота кириб боришининг нисбий тезлигини бурғиланадиган тоғ жинсининг мустаҳкамлиги – σ ва скважина узунлигига – L боғлиқлиги ($D=0,25$ м да; $\sigma = 50 \cdot 10^6$; $100 \cdot 10^6$; $150 \cdot 10^6$; $200 \cdot 10^6$ Па; $k_1 = 11, 10, 8, 2$; $k_{\partial y} = k_{\text{дайл}}=1,0$; $\alpha_1=\pi/3$; $\mu_1=0,625 \div 0,785$; $K_{\dot{y}m} = 1 \div 1,3$; $P_{ук.б.к}=4 \div 6 \cdot 10^5$ Н; $\rho=2,5 \div 3,5 \cdot 10^5$

$\kappa z/m^3$; $k_p=1,65$; $\alpha=0^0, 15^0, 30^0$; $\eta_n=0,92$; $\eta_k=0,6$) 1-расмда кўрсатилган; скважина узунлиги $L = H + h_n = 15\text{м}$ учун ($K_c = 35$).

Бурғилаш дастгоҳини айлантирувчи-узатувчи механизмларининг технологик, кинематик, ишончлик ва куч параметрларини, бурғиланадиган тоғ жинсларини физик-механик хоссаларига таъсирини ҳисобга олувчи тоғ жинслари билан ўзаро таъсирлашиш жараёнининг кўп параметрли математик модели ишлаб чиқилган.

Кўп параметрли математик моделни MathCAD амалий дастур пакетидан фойдаланиб моделлаштириш куйидаги натижани берди:

– тоғ жинсига долота кириб боришининг энг катта нисбий тезлигига - V_6 (0,538 дан 4,335 гача) 10^{-4} (м/с)/Вт скважина узунлиги – $L_{min} = 10$ м бўлганда эришилади, тоғ жинсига долота кириб боришини энг кичик нисбий тезлигига эса – V_6 (0,292 дан 2,349 гача) 10^{-4} (м/с)/Вт энг узун скважинани – $L_{max} = 23$ м бурғилаш чуқурлигига тўғри келади.




1-расм. Тик ва қия скважиналарни бурғилашда ($\alpha=0^0, \beta=15^0, \gamma=30^0$) тоғ жинсига долотанинг кириб бориш нисбий тезлигининг, бурғиланадиган тоғ жинси мустаҳкамлиги – σ ва скважина узунлиги – L га боғлиқлик графиги

Ўз навбатида, шарошкали долотанинг тоғ жинси билан ўзаро таъсирлашиш жараёнининг кўп параметрли математик модели, скважиналарни тик ва қия ҳолда бевосита ва тозалик сифат кўрсаткичига боғлиқ бурғилашда, долотанинг тоғ жинсига кириб бориши нисбий тезлиги боғлиқликларини аниқлаш имконини беради (2-расм).

2-расмда келтирилган натижанинг таҳлили куйидагича:


– долотанинг тоғ жинсига кириб боришининг нисбий тезлиги катталиги – V_6 , скважинани тозалаш сифат кўрсаткичи $m = 1,25$ га тенг бўлганда, бурғиланадиган тоғ жинсининг мустаҳкамлиги – σ ва скважина узунлиги – L m га боғлиқ бўлмаган ҳолда ва скважинани тозалаш сифат кўрсаткичи катталиги ортиши билан ҳам чизиқсиз равишда камаяди.



2-расм. Долотанинг тоғ жинсига кириб бориши нисбий тезлиги – V_b нинг скважиналарнинг тозалаш сифат кўрсаткичи – m га боғлиқлиги

«Бурғилаш дастгоҳи айлантурувчи-узатувчи механизмининг гидравлик узатиш тизимида динамик жараёнларнинг тадқиқоти» деб номланган диссертациянинг учинчи бобида бурғилаш дастгоҳи айлантурувчи-узатувчи механизмининг гидравлик узатиш тизими динамик параметрларининг, унинг унумдорлигига ва ишончилигига динамик жараёнларни таъсири ва бурғилаш режимида бурғилаш ускуналарини гидравлик узатиш тизимини қувват оқимлари тадқиқот қилинган.

Ишда бурғилаш дастгоҳининг айлантурувчи-узатувчи механизми такомиллаштирилган узатиш тизимининг «тоғ жинси – ўқдаги босим кучи – бурғилаш тезлиги – ишончилик» иерархик системаси, бурғилаш инструментида унинг босим кучи билан ботирилиш ва айланиш тезлиги ўзаро оптимал муносиблигини ўрнатилган ҳамда айлантурувчи-узатувчи механизмнинг гидравлик тизимини назорат қилиш методикаси ва мехатрон системали бошқаришнинг схемаси ишлаб чиқилган. Бу ечимлар бурғилаш жараёнида дастгоҳнинг вертикал, горизонтал ва тебраниш даражасини сезиларли пасайтириш имконини беради (3-расм).



1 – гидроцилиндр;
2 – пневмогидравлик аккумулятор;
3 – учта шарошкали долото;
4 – тресли канат; 5 – бурғилаш стави

3-расм. Бурғилаш режимида бурғилаш дастгоҳини такомиллаштирилган узатиш тизимининг «тоғ жинси – ўқдаги босим кучи – бурғилаш тезлиги – ишончилик» иерархик системанинг гидравлик схемаси

3-расмда келтирилган бурғилаш дастгоҳининг узатиш тизими, ковжойга кириш харакатининг гидроцилиндрларини ўз ичига олади ва бурғилаш вақтида долотага талаб қилинадиган ўқ бўйича қўйилган кучни ва босимни таъминлайди.

Гидроцилиндр – ГЦ нинг ҳар бир штокли бўшлиғи дастгоҳнинг насос линияси магистралаи ва сақловчи клапан – КП орқали гидробак билан уланган, гидроцилиндр – ГЦ нинг ҳар бир поршенли бўшлиғи сарфлаш регулятори - Др1 воситасида гидробак билан бирлаштирилган. Гидроцилиндр – ГЦ нинг ҳар бир поршенли ва штокли бўшлиғига мос равишда пневмогидравлик аккумуляторлар АК1 ва АК2 лар ўрнатилган. Бундан ташқари, аккумулятор – АК2 нинг гидравлик линияси гидроцилиндр – ГЦ нинг штокли бўшлиғи билан дроссел Др2 воситасида ва унга параллел ўрнатилган тесқари клапан билан боғланган – КО1. Аккумуляторлар АК1 ва АК2 бурғилаш дастгоҳи мачтасининг ёнига маҳкамланган. Гидроцилиндр поршенининг узатиш механизми ўқ бўйича ҳаракати жорий қиймати – Δh_n азот билан тўлдирилган аккумулятор эластик камерасининг деморфациясидан камайишини, қуйидаги ифода ташкил этади

$$\Delta h_n = j \frac{V_k}{S_{ак}} \left(1 - \frac{p_0}{p_{max}} \right)^{n_v}, \text{ м}, \quad (2)$$

бу ерда $S_{ак}$ – аккумулятор юзасининг майдони, м^2 , ажратилган эластик камерали аккумуляторлар учун қуйидагига тенг

$$S_{ак} = 0,85 \frac{\pi}{4} d_{ак}^2, \text{ м}^2, \quad (3)$$

$d_{ак}$ – аккумуляторнинг ички диаметри, м, (сиғими 9,5л; конструктив ҳажми – $V_k = 95 \cdot 10^{-4} \text{ м}^3$; $d_{ак} = 38 \cdot 10^{-2} \text{ м}$; $S_{ак} = 96 \cdot 10^{-3} \text{ м}^2$); $\Delta h_{nmax} = j \cdot 25,7 \cdot 10^{-4} \text{ м}$; j – аккумуляторлар сони.

Ўз навбатида, такомиллаштирилган конструкцияли узатиш механизмининг гидротизими бикрлиги катталиқ кўрсаткичлари (3-расм) уларга бириктирилган аккумуляторларни гидроцилиндрнинг поршен ва шток бўшлиқларидаги ишчи суюқликнинг бикрлиги катталиқ кўрсаткичларидан аниқланади.

$$C_{и} = \left[S_{ш} \cdot E_{суюк} \left(\frac{\alpha_{\mu}}{h_n + \Delta h_n} + \frac{1}{h_{n_{max}}} \right) \right], \text{ Н/м}. \quad (4)$$

Тенглама (4) (2) ифодани ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги кўринишни олади


$$\left\{ C_{и} = S_{ш} \cdot E_{суюк} \left(\frac{\alpha_{\mu}}{h_n + \frac{jV_k}{S_{ак}} \left(1 - \frac{p_0}{p_{max}} \right)^{n_v}} + \frac{1}{h_{n_{max}}} \right) \right| 0 \leq h_n \leq 2,2 \left| 0 \leq p_0 \leq p_{max} \right. \right\}, \text{ Н/м}. \quad (5)$$

Тенглама (5) бурғилаш дастгоҳини айлантирувчи-узатувчи механизмининг узатмаси мос равишда базавий ва такомиллаштирилган гидравлик тизимининг йиғинди бикрлиги катталиқ кўрсаткичлари математик аналогини ўзида акс эттиради.

Аккумуляторларни турлича зарядли босимлари учун Excel амалий дастурлар пакетидан фойдаланиб, (5) тенгламани моделлашириш натижалари 4-расмда келтирилган.

Ковжойга долотани базавий ва такомиллаштирилган узатиш тизимининг йиғинди ўқ бўйича бикрлигини катталиқ кўрсаткичлари гидроцилиндр поршени ўқ бўйича ҳаракатига – h_n боғлиқлигининг таҳлили (4а, 4б-расмлар) натижалари қуйидагича:


– гидроцилиндр узатиш механизмининг ўқ бўйича бикрлиги поршень ҳаракати ошиши билан нозизиқли ўзгаради ва унинг қиймати $h_n = 1,1$ метрга тенг бўлганда, минимал қийматга етади. Бунда поршеннинг бошланғич ва охириги ҳаракатида гидросистема ўқи эгилувчанлиги амалда максимал қийматга тенг бўлади;



a – поршен ҳаракати $0 \leq h_n \leq 2,3$ оралиғида; *б* – аккумуляторни турлича зарядли босимлари – p_0 учун поршеннинг ҳаракати $0 \leq h_n \leq 2,3$ оралиғида

4–расм. Бурғилаш дастгоҳи


айлантирувчи-узатувчи механизми узатиш тизимининг ўқ бўйича йиғинди бикрлигини катталик кўрсаткичлари – $C_u(p_0, h_n)$ гидроцилиндр поршен узатишининг ўқ бўйича ҳаракати – h_n га боғлиқлик графиги



– гидроцилиндрнинг шток ва поршень бўшлиғига аккумуляторнинг уланиши узатиш механизми гидротизимининг бикрлиги катталик кўрсаткичлари 17,8 – 23,7% гача камаяди.

Бурғилаш жараёнида унинг параметрларини бошқариш, бурғилаш ставининг айланиши, бурғилаш стави ковжой билан таъсирлашиши, бурғилаш ставининг ўқ бўйича қўйилган кучини ва айланишлар моментини таъминлаш, бурғилаш дастгоҳининг такомиллаштирилган айлантурувчи-узатувчи механизми учун структура системали мехатрон бошқариш схемаси таклиф қилинган. Шунингдек, бурғилашнинг асосий параметрларини ўлчайдиган, дастгоҳнинг гидравлик тизимида босимнинг ўзгариши ҳисобига маълумотларни қайта ишлаш бошқариш блоки томонидан амалга оширилади (5-расм). Шунга асосланиб, бурғилаш дастгоҳининг параметрларини структура системали назорат қилишнинг мехатрон схемаси ишлаб чиқилган.


Бошқариш блоки гидропневмоаккумулятор ёрдамида узатишлар механизмини, айланишлар моментини, ўқ бўйича қўйилган кучни ва босимни назорат қилади. Бурғилаш дастгоҳларини структура системали мехатрон бошқариш, унинг механик характеристикаларини яхшилади. Шундай қилиб, айланишлар механизмини ва ўқ бўйича қўйилган кучни назорат қилиш учун пневмогидравлик аккумуляторлардан ёки гидромашиналардан фойдаланиш мумкин.



5-расм. Бурғилаш дастгоҳи такомиллаштирилган айлантирувчи-узатувчи механизмининг структура системали мехатрон бошқариш схемаси

Бурғилаш дастгоҳи бурғилаш стави ва учта шарошкали долотадан ташкил топган. Бурғилаш ставининг айланиши, унинг ковжой билан таъсирлашуви мос равишда ўқ бўйича қўйилган куч ва буралишлар momenti билан амалга оширилади. Ўқ бўйича қўйилган куч узатишлар механизми орқали амалга оширилади. Бурғилаш тезлиги, бурғилаш ставининг айланишлар частотаси ҳамда айланишлар momentидан олинган сигналларга асосланиб, қабул қилинган назорат мезонига мувофиқ бошқариш блоки иш параметрларини танлайди ва сақлайди.

Ковжойга долотанинг гидравлик узатиш тизими қуйидагиларни ўз ичига олади: доимий бошқариладиган насос, ФИКи – $Q_1 - Q_2$, узатиш тизими гидроцилиндрлари – «ГЦ», ҳаракатчан поршен ва ҳаракатсиз корпус бўшлиғига тенг – $K \geq 1$ – «ГЦ» ва узатиш «Н» насоснинг ишчи камерасида регулятор билан бошқаришнинг мехатрон тизими гидропневмоаккумулятор АК1 ва АК2лар кўрсатилган (6-расм).



6-расм. Бурғилаш режимида гидравлик узатиш тизимининг ишчи суюқликлар оқимининг ўқ бўйича қўйилган куч ва босимни бошқаришнинг мехатрон схемаси

Бурғилаш режимида гидравлик узатиш тизими ишчи суюқликлари оқимининг ўқ бўйича қўйилган кучни ва босимни бошқаришнинг мехатрон схемаси ишлаб чиқилган ва дастгоҳнинг гидроцилиндри – ГЦ билан узвий боғланган ҳолда амалга оширилади. Бурғилаш жараёнида гидроцилиндр – ГЦ

гидропневмоаккумуляторларсиз базали ҳолатида ишлаганда ковжойга ўқ бўйича қўйилган куч ва босимни дастгоҳнинг машинисти ёрдамида амалга оширилади. Гидроцилиндр – ГЦ нинг ҳар бир штокли ва поршень бўшлиғига дастгоҳнинг гидравлик магистраллари трансмиссиясидан суюқликнинг оқими насос орқали узатилади. Дастгоҳнинг насосини бошқариш, яъни назорати - K га боғлиқ. $0 \leq K \leq 1$ оралиқда насоснинг ишлаш жараёни фаоллашади. Дастгоҳнинг насос линияси магистрали сақловчи клапан – КП1, дроссель – Др2 ва тескари клапан КО1 орқали гидробак билан уланган. Гидроцилиндр – ГЦ нинг ҳар бир поршенли бўшлиғи сарфлаш регулятори дроссель - Др1 ва тескари клапанлар – КО2, – КО3, ҳамда – КО4 лар билан гидробак билан бирлаштирилган. Гидроцилиндр – ГЦ нинг ҳар бир поршенли ва штокли бўшлиғига мос равишда АК1 ва АК2 лар гидропневмоаккумуляторлар ўрнатилган.

Гидроцилиндрнинг шток ва поршенли бўшлиқлари босимларининг нисбати, мос равишда, унинг шток ва поршенли юзаларига тенг бўлган ҳолда ҳаракатланади. Гидропневмоаккумулятор АК1 ва АК2 лар орқали гидроцилиндрга мувозанатловчи, яъни ўқ бўйича кучни беради. Гидропневмоаккумулятор АК1 ва АК2 лар бурғилаш жараёнида тоғ жинси қаттиклигининг ошиши натижасида бурғилаш ставида пайдо бўладиган титрашлардан ҳаракатга келади, яъни гидроцилиндр бурғилаш ставига ўқ бўйича қўйилган куч таъсири остида суюқликка босим беради. Бу босим гидроцилиндр поршенининг ҳаракатини мувозанат ҳолатда ушлаб туради. Демак, бу ҳолат дастгоҳни бурғилаш жараёнини автоматик ва мехатрон бошқаришни амалга оширади. Ишлаб чиқилган мехатрон схемаси бурғилаш жараёнида ўқ бўйича қўйилган куч ва босимни назорат қилади. Натижада дастгоҳнинг ишончлилиги, чидамлилиги ва унумдорлиги ошади.

Диссертация ишининг **«Карьер бурғилаш дастгоҳининг такомиллаштирилган электрогидромеханик айланирувчи – узатувчи механизмининг конструкцияси ва ишлаш принципи»** деб номланган тўртинчи бобида айлантирувчи-узатувчи механизмини такомиллаштириш бўйича чора тадбирлар, бурғилаш дастгоҳи электрогидромеханик айланирувчи-узатувчи механизмининг конструкцияси, кинематик ва гидравлик схемалари, бурғилаш ставининг такомиллаштирилган узатиш механизми, бурғилаш ускунасини такомиллаштирилган айлантирувчи-узатувчи механизмини экспериментал (синов) тадқиқотлари, синовларни дастури, усуллари ва синашнинг мақсади ишлаб чиқилган.

Тик юзада тебранишларни пасайтиришнинг энг катта эффектига, узатишни такомиллаштирилган гидроцилиндрли комплексга мослашувчан ажратгичи бор пневмогидравлик аккумуляторни ўрнатиш йўли билан (сиғими 9,5 л, зарядлаш босими $0,7 \div 0,8 P_{ишчи}$) эришилади. Параметрлар I_{ab} , V_{cm} , V_{ab} , $P_{ўқ.б.к}$ нинг ўзгаришлари назорати бурғилаш дастгоҳлари машинист кабинасида ўрнатилган стрелкали асбобларда, яъни экранларда амалга оширилади. Гидромашиналар магистралидаги босим ўзгаришлари эса, гидроблокда ўрнатилаган монометрлар МН1, МН2 бўйича амалга оширилади.


Эксперимент ўтказишда ўзгарувчан параметрлар қуйидагилар ҳисобланади:

- ставнинг айланишлар частотаси, ўзгариш оралиғи 50÷150 айл/мин;
- ўқ бўйича қўйилган куч, ўзгариш оралиғи 100÷300 кН;
- гидропневмоаккумуляторни зарядлаш босими, гидромашинани юқори босимли магистралага ўрнатилган, ўзгариш оралиғи $0,3 \div 0,9 P_{НОМ}$.

Энг кўп микдордаги ўлчовларни, тезлатилган режимларда бурғилаш имкониятини ишончли асослаш учун, ставнинг айланишлар тезлиги 100 айл/мин ва ўқ бўйича босими 20 кН дан кўпроқ бўлганда амалга ошириш керак.


Синов вақтида Жанубий кон бошқармаси +800 – горизонтидаги Ўрталик карьериди чуқурлиги 22 м ва диаметри 250 мм бўлган 4400 пог.м скважина қовланган. VIBXPERT II осциллограммадаги датчик кўрсаткичларининг ёзувини, ҳам стандарт, ҳам тақомиллаштирилган айлантирувчи-узатувчи механизмлар билан, чуқурлиги 1-7 м, 7-11 м, 11-14 м ва 14-22 м битта, иккита ва учта штангалар билан скважинани бурғилаш вақтида амалга оширилди. Синов мобайнида 21 та режим ёзиб борилди: 9 та стандарт ва 12 та тақомиллаштирилган айлантирувчи-узатувчи механизм билан шунингдек, таъмирлаш ва ишлаш ҳолатидаги носозликлар таҳлил қилинди.

VIBXPERT II виброаппаратларнинг таҳлили, уларнинг фрагментлари 7 ва 8-расмларда келтирилган натижалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, тормозлаш (тўхтатиш) режимида ишлайдиган гидромашинани трансмиссиясига, қайсики, юқори босимли магистралада гидропневмоаккумулятор ўрнатилган, айлантирувчи-узатувчи механизм двигателининг юқламаси билан мос равишда ҳисобланган зарядланиш босимининг киритилиши, дастгоҳ металлоконструкциясига бериладиган ҳаракатга динамик юқланиш даражасини сезиларлича камайтириш имконини беради.



- 1- горизонтал юзадаги (рамага кўндаланг) тезланиши;
 2 – вертикал юзадаги тезланиши; 3- горизонтал юзадаги (рама бўйлаб) тезланиши; 4- ставнинг айланишлар частотаси; 5- гидромашинани юқори босимли магистраладаги босими; 6- двигатель токи; 7- двигатель кучланиши

7-расм. Бурғилаш дастгоҳи айлантирувчи-узатувчи механизмнинг гидропневмоаккумулятор ўрнатилгунга қадар вибротезланишларни босим кучига, айланишлар частотасига, кучланишга ва ток кучига боғлиқлигининг экспериментал натижалари (1-7 м)




- 1- горизонтал текисликдаги (рамага кўндаланг) тезланиши; 2 – вертикал текисликдаги тезланиши; 3 - горизонтал текисликдаги (рама бўйлаб) тезланиши; 4 - узатиш гидроцилиндрларини поршенли юзасидаги босими; 5 - бурғилаш тезлиги; 6 - двигатель токи; 7 - ставни айланишлар частотаси; 8 - гидромашинани магистраладаги суюқлик босими

8-расм. Бурғилаш дастгоҳи айлантирувчи-узатувчи механизмнинг гидропневмоаккумулятор ўрнатилгандан кейинги вибротезланишларига босим кучи, айланишлар частотаси, кучланиш ва ток кучига боғлиқлигининг (7-11 м) экспериментал натижалари

Дастгоҳ рамасининг кўндаланг ўқи бўйлаб горизонтал текисликдаги тебранишлар тезланишини пасайиши, айниқса, сезиларли ҳисобланади (эгри чизик 1, 8-расм).

Гидромашина ўрнатилгунга қадар, тебранишлар тезланишининг максимал қиймати A_x 3-3,5 м/с² ни ташкил этган бўлса, у ўрнатилгандан сўнг, улар 2,1-2,4 м/с² гача пасаяди, бундан ташқари тебранишлар тезланиши пасайишининг катта қиймати паст частотага тўғри келади, шу зонада хусусий ва мажбурий частоталарнинг номувофиклиги билан тушунтирилади (2,2; 6,4 Гц). Барча кўрсатилган қийматлар, ток кучи ($I_{ав}=70-85$ А) оралиғида, айланишлар частоталарида ($n=120\div 140$ айл/мин) ва ўқ бўйича узатиш ($P_{ўқ.б.к} = 14\div 18$ кН) кучида олинган.

Бурғилаш дастгоҳи электрогидромеханик айлантурувчи-узатувчи механизм ўрнатилгунга қадар, рамаси ва корпусидаги горизонтал ҳамда вертикал вибротезланишларни гидромашина трансмиссиясидаги босимига боғлиқлиги (1-7 м, 7-11 м) VibXpert II 7-расмнинг кўрсаткичларидан кўриниб турибди. Бурғилаш дастгоҳи горизонтал ва вертикал вибротезланишлари билан гидромашина трансмиссиясининг магистраллидаги босими орасидаги боғлиқлик графигини Excell амалий дастурлар пакетидан фойдаланган ҳолда моделлаштиришнинг натижалари 9-расмда келтирилган.



9-расм. Бурғилаш дастгоҳи электрогидромеханик айлантурувчи-узатувчи механизм ўрнатилгунга қадар горизонтал ва вертикал вибротезланишларни гидромашина трансмиссиясининг магистраллидаги босимига боғлиқлик графиги

9-расмда келтирилган натижалар таҳлили куйидагича:

гидромашина трансмиссиясининг магистраллидаги босимнинг ошиши билан бурғилаш дастгоҳи рамасидаги ва айлантурувчи-узатувчи механизм корпусидаги горизонтал ҳамда вертикал вибротезланишлари тўғри чизиқсиз пасаяди;


бурғилаш дастгоҳи узатишлар гидроцилиндрларига гидропневмоаккумуляторлар ўрнатилгунга қадар, горизонтал ва вертикал вибротезланишларининг энг катта нисбий қийматига - A_x, A_y, A_z 2,01 дан 6,6

м/с² гача бўлганда эришилади, бурғилаш дастгоҳи горизонтал ва вертикал вибротезланишларининг энг кичик нисбий қиймати эса - A_x, A_y, A_z 1,01 дан 5,01 м/с² га тўғри келади.

Бурғилаш дастгоҳи электрогидромеханик айлантурувчи-узатувчи механизм ўрнатилгандан кейин рамаси ва корпусидаги горизонтал ҳамда вертикал вибротезланишларни босиш кучига боғлиқлиги (1-7 м, 7-11 м) VibXpert II 8-расмнинг кўрсаткичларидан кўриниб турибди. Бурғилаш дастгоҳи горизонтал ва вертикал вибротезланишлари билан гидромашина трансмиссиясининг магистраладаги босими орасидаги боғлиқлик графигини Excell амалий дастурлар пакетидан фойдаланган ҳолда моделлаштиришнинг натижалари 10-расмда келтирилган.

10-расмда келтирилган натижалар таҳлили қуйидагича:

бурғилаш дастгоҳи узатишлар гидроцилиндрларига гидропневмоаккумуляторлар ўрнатилгандан кейин горизонтал ва вертикал вибротезланишларининг энг катта нисбий қийматига - A_x, A_y, A_z 1,35 дан 4,86 м/с² гача бўлганда эришилади.



10-расм. Бурғилаш дастгоҳи электрогидромеханик айлантурувчи-узатувчи механизми ўрнатилгандан кейин рамаси ва корпусидаги горизонтал ҳамда вертикал вибротезланишларни босиш кучига боғлиқлик графиги


Бурғилаш дастгоҳи горизонтал ва вертикал вибротезланишларининг энг кичик нисбий қиймати эса - A_x, A_y, A_z 0,76 дан 3,2 м/с² га тўғри келади.

Графиклар (9 ва 10-расмлар) дан кўриниб турибдики, бурғилаш дастгоҳининг узатишлар цилиндрига гидропневмоаккумуляторлар ўрнатилгунга қадар, тебранишлар тезланишининг максимал қийматлари - A_x, A_y, A_z 2,01 дан 6,6 м/с² ни ташкил этган бўлса, бурғилаш дастгоҳининг узатишлар цилиндрига гидропневмоаккумуляторлар ўрнатилгандан сўнг, тебранишлар тезланишининг максимал қийматлари эса - A_x, A_y, A_z 1,35 дан 4,86 м/с² гача тўғри келади, яъни дастгоҳнинг тебранишлари 25÷35% гача тўғри чизиксиз пасаяди.

СБШ-250МНА-32 бурғилаш дастгоҳи билан бурғилаш жараёнида скважина чуқурлигининг ортиши билан тоғ жинсининг мустаҳкамлиги ҳам

ўзгариб боради. Тоғ жинсининг мустақамлигини ошиши билан бурғилаш жараёнини давом эттириш учун дастгоҳга меъеридан ортиқ ток кучи ва кучланиш талаб этилади. Бунинг натижасида эса ковланадиган скважинанинг таннархи ҳам ошиб кетади. Бурғилаш жараёнида дастгоҳнинг ишончилигини ошириш, интенсив бурғилашни ташкил этиш, титрашларни ва таннархини камайтириш мақсадга мувофиқдир.

Таҳлилларимиз асосида бурғилаш дастгоҳи айлантурувчи-узатувчи механизмнинг гидропневмоаккумулятор ўрнатилгунга қадар вибротезланишларни босим кучига, айланишлар частотасига, бурғилаш тезлигига, двигателнинг кучланишига ва ток кучига боғлиқлик (1-7 м, 7-11 м) VibXpert II 7-расмнинг кўрсаткичларидан кўришиб турибди. Бурғилаш дастгоҳи гидромашина трансмиссиясининг магистралидаги босимини, двигателнинг ток кучи ва кучланиши орасидаги боғлиқлик графигини Excell амалий дастурлар пакетидан фойдаланган ҳолда моделлаштиришнинг натижалари 11-расмда келтирилган.




11-расм. Бурғилаш дастгоҳи айлантурувчи-узатувчи механизмга гидропневмоаккумулятор ўрнатилгунга қадар гидромашинанинг босимининг, двигателнинг кучланишига ва ток кучига боғлиқлик графиги

11-расмда келтирилган натижалар таҳлили куйидагича:

– бурғилаш дастгоҳи узатишлар гидроцилиндрларига гидропневмоаккумуляторлар ўрнатилгунга қадар гидромашина трансмиссиясининг магистралидаги босимнинг энг кичик нисбий қийматига - P , (2,0) МПа бўлганда, эришилади. Бу шунингдек, бурғилаш дастгоҳи айлантурувчи-узатувчи механизми двигателининг кучланиши ҳамда ток кучининг энг катта нисбий қиймати – U (138 В), J (85 А) га тўғри келади. 11-расмдан кўришиб турибдики, гидромашина трансмиссиясининг магистралидаги босимнинг камайиши билан дастгоҳга бурғилаш жараёнида иккиламчи энергия ва кучланиш талаб этилади. Бу эса бурғиланадиган скважинанинг сезиларли даражада таннархини оширади.

Бурғилаш дастгоҳи айлантурувчи-узатувчи механизмнинг гидропневмоаккумуляторлари ўрнатилгандан кейин вибротезланишларни босим кучига, айланишлар частотасига, бурғилаш тезлигига, двигателнинг кучланишига ва ток кучига боғлиқлиги (1-7 м, 7-11 м) VibXpert II 8-расмнинг кўрсаткичларидан кўришиб турибди. Бурғилаш дастгоҳи гидромашина трансмиссиясининг магистралидаги босимини, двигателнинг ток кучи ва кучланиши орасидаги боғлиқлик графигини Excell амалий дастурлар пакетидан фойдаланган ҳолда моделлаштиришнинг натижалари 12-расмда

келтирилган. Бурғилаш дастгоҳининг бурғилаш тезлиги ва айланишлар частотаси гидромашина трансмиссиясининг магистралидаги босимига тўғри пропорционал бўлганлиги учун графикда кўрсатилмаган. Демак, гидромашина трансмиссияси магистралидаги босимнинг ортиши билан дастгоҳнинг бурғилаш тезлиги ва айланишлар частотаси ҳам ортади.



